139	<p>Пайвандчининг ҳимоя воситалари расмлари орасидан пайвандчи крагаси расмини тўғри топинг.</p>				
140	<p>Кислород баллони вентилини бирданига эмас, балки аста-секинлик билан бураб очиш лозим. Бунинг сабаби нимада?</p>	<p>Вентили бирданига очилганида кислород оқими шиддатидан баллон бўғзи музлайди ва металл торайиши натижасида ўтаётган O₂ босими пасайиб, редуктор газни ўтказмай қўйиши мумкин.</p>	<p>Вентили бирданига очилганида кислород оқими шиддатидан баллон бўғзи қизийди ва металл кенгайиши натижасида ўтаётган O₂ босими ортиб, редуктор портлаши мумкин.</p>	<p>Вентили бирданига очилганда кислород оқими ишқаланишидан баллон бўғзи ва редуктор электрланиши ва улар ёниши ёки портлаши мумкин.</p>	<p>Вентили бирданига очилганида кислород оқими шиддатидан баллон ичидаги босим ортиб, редуктор ишдан чиқиши мумкин.</p>
141	<p>Кислород баллони редуктори ва манометри аланга олиб, ёна бошласа нима қилиш керак?</p> 	<p>Дарҳол 2 –вентилни ёпиш керак. Редукторнинг 4- созловчи винтини ёпиш керак.</p>	<p>Дарҳол 1 –вентилни ёпиш керак. 5-канал (шланг) орқали редуктор ичидаги газни ташқарига чиқариб юбориш керак.</p>	<p>Дарҳол 3 –гайкани бураб, ёпиш керак. Редукторнинг 4- созловчи винтини тезда ёпиш керак.</p>	<p>Дарҳол редукторнинг 4- созловчи винтини ёпиш керак ва 6-манометрларни чиқариб олиб ташлаш керак.</p>
142	<p>Газли баллонларни сақлаш усуллари расмлари орасидан таъқиқланганини топинг.</p>				








143	Баллонларни иш жойига олиб бориш усуллари расмлари орасидан таъкиқланганини топинг.				
144	Кислородли баллонларни иссиқлик манбаидан хавфсиз сақлашда энг кам масофаларни топинг. 	А - масофа – 0,5 метр Б – масофа – 2 метр	А - масофа – 2,5 метр Б – масофа – 2,5 метр	А - масофа – 1,5 метр Б – масофа – 3 метр	А - масофа – 1,0 метр Б – масофа – 5 метр
145	Газли баллонларни сақлаш усуллари расмлари орасидан рухсат этилганини топинг.				
147	Газли баллонларни сақлаш усуллари расмлари орасидан рухсат этилганини топинг.				
	● Пайвандлаш материалларини сақлаш учун мўлжалланган хонага қандай талаблар қўйилган?	Пайвандлаш материаллари ҳаво ҳарорати ва намлиги чекланмаган махсус жиҳозланган хонада сақланади	Пайвандлаш материаллари ҳаво ҳарорати мусбат бўлган махсус жиҳозланган хонада сақланади	Пайвандлаш материаллари ҳавоси ҳарорати +15 градусдан кам бўлмаган ва нисбий намлиги 50%дан ортиқ бўлмаган махсус жиҳозланган хонада сақланади	Пайвандлаш материаллари сақланишига алоҳида талаблар қўйилмаган

148	<p>Газ баллонлар расмлари орасидан ацетилен баллонини топинг.</p> 				
149	<p>Газ горелкасини ёндириш ва пайвандлашни бошлашдан аввал бажарилиши шарт бўлган хавфсизлик қоидалари орасидан тўғри ёзилганини топинг.</p>   <p>инжектор қурилмаси</p> 	<p>Горелкани кўздан кечиргандан сўнг пайвандланиши лозим бўлган детал калинлигига қараб горелка учи (наконечник) номери танланади. Резьбали бирикмаларнинг ишончлилиги текширилади, зарур ҳолда устқўйма гайка ва газли шлангларнинг ниппеллари қотирилади. Вентиллар сальникларининг герметиклиги текширилади, зарур ҳолда сальник гайкаси қотирилади. Ацетилен кириш ниппелида сўриш (тортиш) мавжудлиги текширилади. Бунинг учун кислород шланги ниппелга уланади ва редуктор манометри бўйича керакли босимга соланади. Масалан, №4 наконечник учун босим 200-400КПа миқдорда ўрнатилади. Сўнг ацетилен вентили тўлик очилади, ундан кейин кислород вентили очилиб, ацетилен ниппели учига бош бармоқ теккизиб кўрилади (сўриш мавжуд бўлса бармоқ ниппелга ёпишади) сўриш мавжудлиги текширилади. Сўриш старли бўлмаса, инжекторнинг охири ва аралашини камераси орасидаги масофани текшириш зарур. Зарур ҳолда инжекторни аралаштириш камерасидан ½-1 айланиш бураб чиқарилади.</p>	<p>Горелкани яхшилаб кўрилгандан сўнг пайвандланиши лозим бўлган детал узунлигига қараб горелка учи (наконечник) узунлиги танланади. Резьбали бирикмаларнинг маҳкамлиги текширилади, зарур ҳолда устқўйма гайка ва газли шлангларнинг ниппеллари қотирилади. Вентиллар сальникларининг бўшлиги текширилади, зарур ҳолда сальник гайкаси ечиб олинади. Ацетилен кириш ниппелида итариш (босим) мавжудлигини билиш учун кислород шланги ниппелга уланади ва редуктор манометри бўйича керакли босимга соланади. Масалан, № 4 –наконечник учун босим 400-600КПа миқдорда ўрнатилади. Сўнг ацетилен вентили ярим очилади, ундан кейин кислород вентили чорак ҳажмда очилиб, ацетилен ниппели учига бош бармоқ теккизилади (сўриш мавжуд бўлса бармоқ ниппелга ёпишади) сўриш мавжудлиги текширилади. Зарур ҳолда инжекторни аралаштириш каме-расига 1,5-2 айланиш бураб чиқарилади. Агар тортиш</p>	<p>Горелка созлиги синчиклаб қаралгандан сўнг пайвандланиши лозим бўлган детал диаметрига қараб горелка учи (наконечник) диаметри танланади. Резьбали бирикмаларнинг маҳкамлиги текширилади, зарур ҳолда устқўйма гайка ва газли шлангларнинг ниппеллари бўшатилади. Вентиллар сальникларининг герметиклиги текширилади, зарур ҳолда сальник гайкаси буралади. Ацетилен кириш ниппелида чиқариш (босими) мавжудлигини билиш учун вакуум мавжудлигини билиш учун кислород шланги ниппелга уланади ва редуктор манометри бўйича керакли босимга соланади. Масалан, № 4 –наконечник учун босим 600-800КПа миқдорда ўрнатилади. Сўнг ацетилен вен-тили бутунлай ёпилади, ундан кейин кислород вентили ярим очилиб, ацетилен ниппели учига бош бармоқ теккизилади (итариш мавжуд бўлмаса бармоқ ниппелга ёпишади) итариш мавжудлиги текширилади. Зарур ҳолда инжек-торни аралаштириш камерасидан 0-1 айланиш бураб чиқарилади. Агар итариш мавжуд бўлмаса, инжекторнинг ва мундштукнинг туйнуги кир билан тўлиб қолганлиги ҳамда инжекторни горелка эгарига</p>	<p>Горелкани созлиги синчиклаб қаралгандан сўнг пайвандланиши лозим бўлган детал энига қараб горелка учи (наконечник) катталиги танланади. Резьбали бирикмаларнинг мустаҳкамлиги текширилади, зарур ҳолда устқўйма гайка ва газли шлангларнинг ниппеллари зичланади. Вентиллар сальникларининг герметиклиги текширилади, зарур ҳолда сальник гайкаси буралади. Ацетилен кириш ниппелида чиқариш (босими) мавжудлигини билиш учун кислород шланги ниппелга уланади ва редуктор манометри бўйича керакли босимга соланади. Масалан, №4 наконечник учун босим 600-800КПа миқдорда ўрнатилади. Сўнг ацетилен вен-тили бутунлай ёпилади, ундан кейин кислород вентили ярим очилиб, ацетилен ниппели учига бош бармоқ теккизилади (итариш мавжуд бўлмаса бармоқ ниппелга ёпишади) итариш мавжудлиги текширилади. Зарур ҳолда инжек-торни аралаштириш камерасидан 0-1 айланиш бураб чиқарилади. Агар итариш мавжуд бўлмаса, инжекторнинг ва мундштукнинг туйнуги кир билан тўлиб қолганлиги ҳамда инжекторни горелка эгарига</p>

		<p>Агар сўриш мавжуд бўлмаса, инжекторнинг ва мунд-штукнинг туйнуги кир билан тўлиб қолмаганлиги ҳамда инжекторни горелка эгарига зич тақалганлиги текширилади. Ёндиришдан олдин O₂ шланг пуфлаб юборилади.</p>	<p>текширилади. Сўриш етарли бўлса, инжекторнинг охири ва аралашуш камераси орасидаги масофани текшир-маслик зарур. Зарур ҳолда инжекторни аралаштириш камерасига 1-1,5 айланиш бураб киргизилади. Агар сўриш мавжуд бўлмаса, инжекторнинг ва мунд-штукнинг туйнуги кир билан тўлиб қолганлиги ҳамда инжекторни горелка эгарига бўш тақалиши текширилади. Ёндиришдан олдин O₂ шланг пуфлаб юборилади.</p>	<p>мавжуд бўлмаса, инжекторнинг ва мундштукнинг туйнуги кир билан тўлиб қолганлиги ҳамда инжекторни горелка эгарига зич тақалиши текширилади.</p>	<p>умуман тақалмаслиги текширилади. Ёндиришдан олдин O₂ шланг пуфлаб юборилади.</p>
150	<p>Электр токи таъсирига тушиб қолган ходимни қутқариш усуллари расмлари орасидан таъқиқланганини топинг.</p>				
151	<p>Электр билан пайвандлаш расмлари орасидан таъқиқланганини топинг.</p>				
152	<p>Газ горелкаси билан пайвандлашда бажарилиши шарт бўлган хавфсизлик қоидалари орасидан тўғри ёзилганини топинг.</p>	<p>Редуктор манометрларида зарур ишчи босим ўрнатилади: кислород манометри 200-300Кпага, ацетилен манометри 200КПага созланади. Ёнувчи газ каналида сўришни ҳосил қилиш учун кислород вентили 1 айланишга очилади. Ёнувчи газ вентили 2</p>	<p>Редуктор манометрларида зарур ишчи босим ўрнатилади: кислород манометри 400-500Кпага, ацетилен манометри 100КПага созланади. Ёнувчи газ каналида сўришни ҳосил қилиш учун кислород вентили</p>	<p>Редуктор манометрларида зарур ишчи босим ўрнатилади: кислород манометри 600-800Кпага, ацетилен манометри 300КПага созланади. Ёнувчи газ каналида сўришни ҳосил қилиш учун кислород вентили 1,5 айланишга очилади. Ёнувчи газ вентили 0,5</p>	<p>Редуктор манометрларида зарур ишчи босим ўрнатилади: кислород манометри 300-400Кпага, ацетилен манометри 50-75 0КПага созланади. Ёнувчи газ каналида тортишни ҳосил қилиш учун кислород вентили 0,5 айланишга очилади. Ёнувчи газ вентили 1 айланиш</p>




	<p>ПАЙВАНД АЛАНГАСИ ТУРЛАРИ</p> 	<p>айланиш очилади ва мундштук учидан ёниб чиқаётган газли аралашма ёндиргич билан ўчирилади. Пайвандланувчи металлнинг турига ва узунлигига қараб, вентиллар ёрдамида аланга қуввати ва таркиби созланади. Паққиллаш ҳодисаси содир бўлса, аввал горелканинг кислород, кейин ацетилен вентиллари бураб, очилади. Горелканинг мундштуги қаттиқ совуб кетса ва музласа, мундштукни иссиқ сувга солиб иситиш лозим.</p>	<p>$\frac{1}{4}$ айланишга очилади. Ёнувчи газ вентили 1 айланиш очилади ва мундштук учидан чиқаётган газли аралашма ёндиргич билан ўт олдирилади. Пайвандланувчи металлнинг марказига ва қалинлигига қараб, вентиллар ёрдамида аланга қуввати ва таркиби ростланади. Паққиллаш ҳодисаси содир бўлса, аввал горелканинг ацетилен, кейин кислород вентиллари бураб, ёпилади. Горелканинг мундштуги қаттиқ кизиб кетса ва ёна бошласа, ўтни ўчириш ва мундштукни сувга солиб совутиш лозим.</p>	<p>айланиш очилади ва мундштук учидан чиқаётган газли аралашма ёндиргич билан ўт олдирилади. Пайвандланувчи металлнинг турига ва диаметрига қараб, вентиллар ёрдамида аланга қуввати ва таркиби созланади. Паққиллаш ҳодисаси содир бўлса, аввал горелканинг ацетилен, кейин кислород вентиллари бураб, ёпилади. Горелканинг мундштуги қаттиқ совиб кетса ва музласа, мундштукни ўтга солиб киздириш лозим.</p>	<p>очилади ва мундштук учидан ёниб чиқаётган газли аралашма кигиз билан ўчирилади. Пайвандланувчи металлнинг қаттиқлигига ва ҳароратига қараб, вентиллар ёрдамида аланга қуввати ва таркиби ростланади. Паққиллаш ҳодисаси содир бўлса, аввал горелканинг кислород, кейин ацетилен вентиллари бураб, очилади. Горелканинг мундштуги қаттиқ қизимаса ва ёнмаса, мундштукни ўтга солиб киздириш лозим.</p>
153	Ишлаш жараёнлари расмлари орасидан бажарилиши таъқиқланмаганини топинг.				
154	Газ горелкаси билан пайвандлаш иши тугаллангандан сўнг бажарилиши шарт бўлган хавфсизлик қоидалари орасидан тўғри ёзилганини топинг.	Горелка ўчирилади, бунинг учун: аввал кислород вентили, кейин ацетилен вентили беркитилади. Ёнувчи газ баллони вентили ёпилади ва редуктори баллон устидан ечиб олинади. Горелка кўздан кечирилади, зарур ҳолда мундштук учи тозаланади. Шланглар ўраб, йиғиштириб олинади. Ацетилен генераторидан	Горелка ўчирилади, бунинг учун: аввал ёнувчи газ вентили, кейин кислород вентили берки-тилади. Ёнувчи газ баллони вентили ёпилади ва редуктори баллон устидан ечиб олинади. Горелка кўздан кечирилади, мундштук учини тозалаш шарт	Горелка ўчирилади, бунинг учун: аввал ацетилен вентили, кейин кислород вентили беркитилади. Кислород баллони вентили ёпилади ва редуктори баллон устидан ечиб олинади. Горелка кўздан кечирилади, зарур ҳолда мундштук учи тозаланади. Шланглар ўраб,	Горелка ўчирилади, бунинг учун: аввал ёнувчи газ вентили, кейин кислород вентили беркитилади. Кислород баллони вентили ёпилади ва редуктори баллон устидан ечиб олинади. Горелка кўздан кечирилади, зарур ҳолда мундштук учи тозаланади. Шланглар ўраб, йиғиштириб олинади. Ацетилен генераторидан

		<p>реторта чиқарилади ва бўшатилади. Агар генератордаги кальций карбиди совуқ бўлса, генераторни очиш мумкин эмас, у тўлиқ қизигунча кутиш лозим. Генераторни усти яхшилаб ювиб, тозаланади. Хона шамоллатилади.</p>	<p>эмас. Шланглар ўраб, йиғиштириб олинади. Ацетилен генераторидан реторта чиқарилади ва бўшатилади. Агар генератордаги кальций карбиди иссиқ бўлса, генераторни очиш мумкин эмас, у тўлиқ совигунча кутиш лозим. Генератор ичи яхшилаб ювиб, тозаланади. Хона шамоллатилади.</p>	<p>йиғиштириб олинади. Ацетилен генераторидан реторта чиқарилади ва бўшатилади. Агар генератордаги кальций карбиди қайноқ бўлса, генераторни очиш мумкин эмас, у тўлиқ совигунча кутиш лозим. Генератор ичи яхшилаб ювиб, тозаланади. Хона шамоллатилади.</p>	<p>реторта чиқарилади ва бўшатилади. Агар генератордаги кальций карбиди совуқ бўлса, генераторни очиш мумкин эмас, у тўлиқ қизигунча кутиш лозим. Генераторни усти яхшилаб ювиб, тозаланади. Хона шамоллатилади.</p>
<p>155</p>	<p>Кальцийли карбид солинган бочкани (барабанни) очиш учун қандай асбобдан фойдаланиш лозим?</p> 	<p>Слесарлик зубилоси ва болғачадан</p>	<p>Учкун чакнашига йўл кўймайдиган махсус пичоқдан</p>	<p>Газкескич алангаси билан</p>	<p>Думалоқ чархтошли кесиш асбоби (болгарка)дан</p>
<p>156</p>	<p>Пайвандлаш ишлари расмлари орасидан таъқиқланмаганини топинг.</p> 				
<p>157</p>	<p>Кальцийли карбид солинган бочкани очишдан аввал ишчи нима қилиши лозим?</p>	<p>Бочка устини сув билан хўллаб олиши лозим.</p>	<p>Бочка устини дизель ёнилғиси билан хўллаб, ундан кейин қоқоғини очиши лозим.</p>	<p>Бочка устини солидол билан мойлаб, кўзига кўзойнак такиб, кўлига кўлқоп кийиши лозим.</p>	<p>Бочкани у ёқ, бу ёққа думалатиб, ичидаги карбидни аралаштириб олиши лозим.</p>

158	Пайвандлаш ишлари расмлари орасидан таъқиқланганини топинг. 				
159	Ҳар хил жойларда пайвандлаш ишлари расмлари орасидан рухсат берилганини топинг.				
160	Пайвандлаш ишлари расмлари орасидан рухсат берилмаганини топинг.				
161	Пайвандлаш ишлари расмлари орасидан рухсат берилганини топинг.				
162	Пайвандлаш ишлари расмлари орасидан рухсат берилмаганини топинг. 				
163	Ацетилен генераторининг химоя қурилмаси неча марта ишлаб кетиб, генераторни портлашдан химоя қилганидан сўнг химоя қурилмасини тўлик алмаштириш зарур?	2 мартадан сўнг	4 мартадан сўнг	5 мартадан сўнг	3 мартадан сўнг




164	Пайвандчига олов билан боғлиқ газ ва электр пайвандлаш ишларини бажаришга қандай ҳужжат асосида рухсат берилади?	Ўт-оловли ишларни бажариш Қоидалари асосида	Корхона раҳбарининг буйруғи асосида	Корхона ички меҳнат тартиб қоидалари асосида	Ўт-оловли ишларни бажаришга наряд – рухсатнома
165	Ацетилен генератори ўрнатилган жойда қандай плакатни осмаслик лозим?	“Кўзойнақсиз қирилмасин”	“Бегоналарнинг кириши таъқиқланади – ёниш хавфи бор”	“Чекилмасин”	“Ўтиш таъқиқланади”
166	Таъқиқловчи белгилар расмлари орасидан “Ўтиш таъқиқланади” белгисини топинг.				
167	Пайвандчи пайвандлаш горелкасини қандай тартибда ёндиради?	Аввал кислород вентили бураб очилади, кейин ёнувчан газли вентил очилади.	Вентилларни ёпиқ эканлигини текшириши лозим	Аввал ёнувчан газли вентил бураб очилади, кейин O ₂ вентили очилади.	Вентилларни очиш кетма-кетлиги қоидаларда ёзилмаган
168	Газ билан пайвандлаш ва кесиш ишлари бажариладиган жой нима билан жиҳозланиши шарт?	Агар ёнғин чиқиш хавфи мавжуд бўлмаса, ҳеч нарса керак эмас.	Кўчма ўт ўчиргич билан	Ўт ўчиргич, кумли яшик, белкуррак ва сувли бочка билан	Бино ичидаги ёнғинга қарши сув жўмрагига уланган стволли шланг билан
169	Ацетилен генератори аланга билан ишлаш жойидан неча метр масофада нари туриши керак?	8 метрдан кам бўлмаган масофада	10 метрдан кам бўлмаган масофада	5 метрдан кам бўлмаган масофада	7,5 метрдан кам бўлмаган масофада
170	Пайвандчига ишлаш пайтида нима қилиш таъқиқланади? (<u>Нотўғриси</u> ни белгиланг)	Қорли ва ёмғирли ҳавода усти очиқ жойда пайвандлаш	Нарвон (шоти) устида туриб пайвандлаш ишларини бажариш	Горелкани ёниб турган буюмлар ёки материаллар билан ёқиш	Металлни қиздириш учун ёнувчан газ ва кислороддан фойдаланиш
171	Газ билан кесиш ёки пайвандлаш ишларини бино ёки хона ичида бажаришда, конструкцияси таркибида ёнадиган материал ишлатилган тўсик (перегородка) баландлиги қанча бўлиши лозим?	1,5 метрдан кам эмас	Камида 1,8 метр	Камида 2 метр	Баландлиги меъёрланмаган
172	Ацетилен генераторидан чиқариб ташланган оҳакли лой ўрасидан неча метр масофада туриб чекишга рухсат этилади?	5 метр радиусдан нарида	8 метр масофадан нарида	10 метр масофадан нарида	7,5 метр масофадан нарида
173	Ишчини электр токи урганида унга биринчи ёрдам кўрсатиш тартиби қандай? 	Жабрланган ишчини шу пайтда имкони мавжуд бўлган усул билан электр токи таъсиридан қутқариш	Агар жабрлаган ишчи хушидан кетган бўлса ёки юрак уриши ва нафас олиши йўқ бўлса – уни сунъий равишда нафас олдириш ва юрагини билвосита массаж қилиш (уқалаш) зарур.	Тез тиббий ёрдам машинасини чақириш	Барчаси тўғри

174	Босим остида ишлатишга мўлжалланган жиҳозларни пайвандлаш ёки уларнинг қисмларини илинтириб олиш ишларини бажаришга ким қўйилади?	Гувоҳномага эга пайвандчи	Шу пайвандлаш ишини бажариш учун гувоҳномаси бор пайвандчига, ушбу пайвандчи томонидан синов пайвандлаш ишининг сифатини текширишдан сўнг	Шу пайвандлаш ишини бажариш учун гувоҳномаси бор пайвандчи	Ҳар қандай пайвандчи
175	Иш жойларида пайвандланган ва қизиган деталларнинг юзаларини неча градусгача ҳароратда бўлишига руҳсат этилади?	Юзаси ҳарорати +30°Сдан ошмаслиги лозим	Юзаси ҳарорати +45°Сдан ошмаслиги лозим	Юзаси ҳарорати +50°Сдан ошмаслиги лозим	Юзаси ҳарорати +60°Сдан ошмаслиги лозим
176	Ичида углекислота гази бор музлаган баллон ёки редукторни қайси усул билан муздан тушириш лозим?	Горелка алангаси билан	Қайноқ буг оқими билан	Баллондан газ олишни тўхтатиш, уни + 20-25°С ҳароратли хонага олиб кириш ва музи эригунга қадар кутиш лозим	Баллондан газ олишни тўхтатиш, уни + 15..+18°С ҳароратли хонага олиб кириш ва музи эригунга қадар кутиш лозим
177	Шлангларни ишлатишда букилиш радиуси шланг диаметрининг неча баробаридан ошмаслиги лозим?	4 баробаридан	5 баробаридан	6 баробаридан	Букилиш натижасида шланг юзасида ёриқлар ва дарзлар ҳосил бўлмаслиги ҳамда шланг ичи беркилиб қолмаслиги лозим
178	Газ билан пайвандлаш ва қирқиш ишларини бажаришда пайвандчига нима қилиш таъқиқланмайди?	Ацетилен баллонлари атрофини тўсиш ва уларни иш жойидан камида 5 метр нарида жойлаштириш	Битта пайвандчининг иккита сувли затвордан фойдаланиши	Пайвандлаш ишлари бажарилаётган жойларга баллонлар махсус аравада, носилкада (замбилда) ёки ченада олиб бормаслик	Газтўплагичида ацетилен гази бор бўлган генераторни жойидан кўчириш, ташиш
179	Терисига суюқ газ томган (тушган) пайвандчи нима қилиши лозим?	Шикастланган жойни кўп миқдордаги тоза сув оқими билан ювиш	Шикастланган жойга ишқорли (совун, сода) моддалар билан ишлов бериш	Шикастланган жойни водород перекиси билан тозалаш	Шикастланган жойга вазелин суркаш
180	Ишчининг териси остига ёки кўзига бегона модда кириб қолганида унга биринчи тез ёрдам кўрсатиш тартиби қандай? 	Касал ишчини шифокорга юбориш лозим	Ёт жисмни кўриш, топиш ва уни тоза дастрўмол ва енгил қўл ҳаракати билан бурун томонга суриш ва кўз ичидан чиқариб олиш лозим.	Ишчи кўзига 30%ли албуцид ёки софрадекс дорисини томизиш лозим	Ёт жисмни кўз ичидан чиқариш учун ишчи юзини пастга қаратиб, кўзини илиқ оч пушти рангли марганцовка аралашмаси суюқлиги ичига солиши ва суюқлик ичида кўзини бир неча ўн марта очиб-юмиши ва ёт жисмни кўзидан чиқаришга ҳаракат қилиши лозим.
181	Газли баллонни иш жойи атрофида яқин масофага	Фақат махсус аравада	Икки ишчи қўлида	Баллонни бироз	Иш жойи атрофида силжитиш

	қандай қилиб хавфсиз силжитиш лозим?		кўтариб олиб	қиялатган ҳолда таглиги билан думалатиш усулида	таъқиқланади
182	<p>Куйганда биринчи тез ёрдамни кўрсатишда нима қилиш таъқиқланади?</p> 	<p>Куйган жойни + 8... +20°C ҳароратдаги тоза сув билан 20-30 минут ёки шифокор етиб келгунича совутиш</p>	<p>Куйган ярадан кўчган терини ажратиш ёки кийим парчасини ажратиб олиш</p>	<p>Куйган яра устига стерил тоза боғлов қўйиш, жабрланган ўз хушида бўлганда ва агар унинг қорни жароҳатланмаган бўлса, унга 1 литр сувга 1 чой қошиқ туз ва 0,5 чой қошиқ сода солинган суюқлик ичириш. Ҳаво совуқ бўлса - устини ўраб, ёпиш лозим.</p>	<p>Агар жабрланувчининг ўзи мустақил юра олса, куйган кўлини рўмол билан қиирламайдиган қилиб боғлаш лозим.</p>
183	<p>Куйидаги хатти-ҳаракатларнинг қайси бири газ пайвандлаш аппаратлари билан ишлаш қоидаларига зид эмас?</p>	<p>Ёнувчан газ учун шлангларни кислород билан ҳамда кислород шлангини ёнувчи газлар билан пуфлаб, тозалаш</p>	<p>Иккита пайвандчининг битта сувли затвордан фойдаланиши</p>	<p>Газ узатувчи шлангларни эзгилаш, букиш, қисиб синдириш</p>	<p>Кислород шлангидан фақат кислород ўтказиш учун фойдаланиш</p>
184	<p>Оралиқ сақлаш омбори мавжуд бўлмаса, ацетилен генератори хонасида қанча калцийли карбидни бочкада сақлаш мумкин?</p>	<p>Бир вақтда 200 кг.дан кўп бўлмаган миқдорда</p>	<p>Бир вақтда 50 кг.дан кўп бўлмаган миқдорда</p>	<p>Бир вақтда 100 кг.дан кўп бўлмаган миқдорда</p>	<p>Бир вақтда 25 кг.дан кўп бўлмаган миқдорда</p>
185	<p>Ўт-оловли пайвандлаш ишларини бошлашдан аввал бино хоналарида нима қилиш лозим?</p>	<p>Ўт-оловли пайвандлаш ишлари бажариладиган хона ва қўшни хоналар ўртасидаги эшиклар ҳамда шу хона деразалари зич ёпилиши лозим</p>	<p>Ўт-оловли пайвандлаш ишлари бажариладиган хона ва қўшни хоналар ўртасидаги эшиклар зич ёпилиши ҳамда шу хона деразалари очирилиши лозим</p>	<p>Ўт-оловли пайвандлаш ишлари бажариладиган хона ва қўшни хоналар ўртасидаги эшиклар ҳамда шу хона деразалари очиқ туриши лозим</p>	<p>Ўт-оловли пайвандлаш ишлари бажариладиган хона ва қўшни хоналар ўртасидаги эшиклар очирилиши ҳамда шу хона деразалари ёпилиши лозим</p>
186	<p>Газпайвандчига ишлаш пайтида нима қилиш таъқиқланади?</p> 	<p>Люклар, лазлар қопқоғини очиш, босим остида ишлаётган сақлагичли ва ёпиладиган арматура ва фланецлар яқинида ишлаш. Юқорида ишлаётган пайвандчиларнинг остидан ўтиш.</p>	<p>Узилган ва изоляцияси шикастланган электр симлари ва кабелларига тегиш. Ишлашни ўт ўчириш воситаларисиз бошлаш.</p>	<p>Ацетилен аппарати ёнида чекиш, канализация қудуқлари, резервуарлар, каналлар ва усти очиқ люклар олдида чекиш</p>	<p>Барчаси тўғри.</p>
187	<p>4-разрядли қўлда электр ёй пайвандчисининг лавозим мажбуриятларига ва хизмат вазифаларига нималар қиради? Нотўғри жавобни топинг.</p>	<p>Углеродли ва конструкцион пўлатдан, чўян ва рангли қотишма-лардан ясалган, ўртача мураккабликдаги буюмлар, деталлар, трубалар, конструкциялар ва</p>	<p>Ўртача мураккабликдаги металл конструкцияларнинг техник чизмаларини ва пайвандлаш учун</p>	<p>Конструкция ва легирилган пўлатлар, рангли металллар ва чўянларни кислород ёрдамида қирқиш, чокини тозалаш ва ҳар хил</p>	<p>Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларини, иш-ларни хавфсиз бажариш қоидалари ва усулларини яхши билиши ва амалда қўллаши</p>

		асбобларни пайвандлаш, киркиш	техник шароитларни ўқий олиши мажбурий эмас.	электродлар билан қўлда пайвандлай олиши	
188	4-разрядли қўлда электр ёй пайвандчиси нималарни билиши ва ўз ишида қўллай олиши лозим? Нотўғри жавобни топинг.	Электрда пайвандлаш мураккаб аппаратурасининг тузилиши ва қандай ишлашини билиши, ўзгармас ва ўзгарувчан токда ёйли пайвандлаш ва кесишнинг хусусиятларини билиши шарт	Бажарадиган иши доирасида электротехника қонунларини ва меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларини билиши мажбурий эмас	Электрод турлари ва марка-ларини, пайвандлаш режимини танлаш тамойилларини, пай-ванд чокидан нуқсонга йўл қўй-маслик чораларини, пайванд-ланаётган металлни билиши	Назорат қилинадиган химоя газлари остида деталлар ва буюмларни пайвандлаш техно-логиясини, пайванд чоклари сифатини синаш усулларини билиши зарур
189	3-разрядли электр пайвандчисининг қандай ҳақ-хуқуқлари бор? Нотўғрисини топинг.	Қўйилган вазифаларни бажариши учун зарур бўлган жиҳоз ва материалларни берилишини талаб қилиши	Буюрилган ишни бажариш учун зарур бўлган техник шароитлар, чизмалар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши	Иш жойидаги асбоб-ускуна ва жиҳозлардаги носозликлар ҳақида цех бригадири ёки уста-сига билдириши шарт эмас	Бажараётган ишининг сифатини баҳолаш мезонларини билиши ва ўз касбий малакасини доимий ошириб бориши
190	Кетма-кет уланган, бир хилдаги бир неча электр юритувчи куч манбаларининг умумий кучланиши нимага тенг?	Электр юритувчи куч манбаларидан биттасининг кучланишига тенг	Электр юритувчи куч манбалари кучланишлари кўпайтмасини кучланишлар йиғиндисига бўлинганига тенг	Электр юритувчи куч манбалари кучланишларининг алгебраик йиғиндисига тенг	Барча электр юритувчи кучлар манбаларининг кучланишлари кўпайтмасига тенг
191	Инсон организмга электр токи қандай таъсир кўрсатади? Тўғри жавобни аниқланг.	Кимёвий таъсир кўрсатади	Иссиқлик таъсири кўрсатади	Биологик таъсир кўрсатади	Барчаси тўғри
192	Инсон организмга электр токининг кимёвий таъсири қандай бўлади?	Тананинг жароҳатланган жойлари қуйиши мумкин	Танада оғрик, тўқималар жойидан кўзгалиши ҳамда ихтиёрсиз ҳолда мускуллар қисқариши мумкин	Қон ва бошқа органик суюқликлар парчаланаяди	Мушаклар қисқариши натижасида инсон қўли ёки оёғи билан электр манбаига ёпишиб қолиши ёки аксинча, отилиб кетиши мумкин
193	Токнинг кучи 50 мА дан юқори бўлганда инсон организмда қандай ҳодиса юз беради?	Организм орқали ўтганда ўтказгични қисқарган мускулларини бўшатиб бўлмайди (қўйиб юбормайди)	Организм орқали ўтганда юрак фибрилляциясига (юрак мускулларининг тартибсиз қисқаришига) олиб келади	Организм орқали ўтганда сезиларли оғрик кузатилади	Организм орқали ўтганида ҳеч қандай ҳодиса юз бермайди
194	Ерга улагичнинг қаршилиги неча омдан ошмаслиги лозим?	10 омдан	2 омдан	20 омдан	50 омдан

195	Электр токига улашиб қолиш схемалари орасидан “қадам кучланиши” схемасини топинг				
196	Электр схемалари орасидан қурилмани ерга улаш (заземление) схемасини топинг				
197	Тасодифий битта электр симига улашиб қолишнинг ушбу схемасида, симдаги электр кучланиши 220 вольт, ишчининг электр токига қаршилигини R одам = 1000 ом, ишчи ер устида пойфафзалсиз (яланғоч оёқ билан) ёки ҳўл пойфафзал билан турган нам ернинг қаршилигини R_ер = 1000 омга тенг, деб қабул қилсак, одам организми орқали ўтиши мумкин бўлган ток кучини тўғри ҳисоблаб топинг	$I_{\text{одам}} = 220 / (3000-1000) = 0,11 \text{ A} = 110 \text{ mA}$	$I_{\text{одам}} = 220 / (2000-1000) = 0,22 \text{ A} = 220 \text{ mA}$	$I_{\text{одам}} = 220 / (3000+1000) = 0,055 \text{ A} = 55 \text{ mA}$	$I_{\text{одам}} = 380 / (3000+1000) = 0,095 \text{ A} = 95 \text{ mA}$
198	Тасодифий битта электр симига улашиб қолишнинг ушбу схемасида, симдаги электр кучланиши 220 вольт, ишчининг электр токига қаршилигини R одам = 1000 ом, одам қурук тахта пол устида турганида, полнинг қаршилигини R пол = 30000 омга, теридан ясалган қурук пойфафзал қаршилигини R пой = 100 000 омга тенг деб қабул қилсак, одам организми орқали ўтиши	$I_{\text{одам}} = 220 / (1000+30000-100000) = 0,0032 \text{ A} = 3,2 \text{ mA}$	$I_{\text{одам}} = 220 / (1000+30000+100000) = 0,00168 \text{ A} = 1,68 \text{ mA}$	$I_{\text{одам}} = 110 / (1000-30000+100000) = 0,00085 \text{ A} = 0,85 \text{ mA}$	$I_{\text{одам}} = 380 / (1000+30000-100000) = 0,0029 \text{ A} = 2,9 \text{ mA}$




	<p>мумкин бўлган ток кучини тўғри ҳисоблаб топинг</p> 				
199	<p>Бино ва хоналарга қўйиладиган ёнғин хавфсизлиги талаблари орасидан нотўғри берилганини топинг.</p> 	<p>Ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларнинг ертўла хоналарида ва цокол қаватларида портловчи моддалар, ёнғил алангаланадиган ва ёнғичи суюқликлар, босим остидаги газ баллонлари ҳамда ёнғин хавфи юқори бўлган моддаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш таъқиқланади.</p>	<p>Ёнғичи газлар солинган баллонлар фақат алоҳида жойлашган ва иссиқлик энергияси манбаларидан ҳимояланган омборларда сақланиши лозим.</p>	<p>Газ баллонлар сақланадиган хоналарни печь ёрдамида иситишга йўл қўйилмайди. Гурухли газ баллон қурилмалари ёнмайдиган материаллардан ясалган жавонларда ёки махсус будкаларда сақланиши ва фақат ёнмайдиган яхлит деворлар яқинида ўрнатилган бўлиши зарур</p>	<p>Ёнғил алангаланадиган ва ёнғичи суюқликлар ишлатиладиган хоналарда очиқ алангадан фойдаланиш, учкун чиқариш билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш ва электр тармоғига уланган асбоб-ускуналарни ишлатиш мумкин.</p>
200	<p>Ерга ёки нолга уланиши зарур бўлган қуйидаги кучланишли электр қурилмалар тўғрисида нотўғри ёзилганини топинг....</p> 	<p>Номинал кучланиши 380 V ва ундан юқори бўлган ўзгарувчан ток ҳамда 440 V ва ундан юқори бўлган ўзгармас токда ишловчи барча электр қурилмалари;</p>	<p>Номинал кучланиши 42 V дан юқори, лекин 380 V дан паст бўлган ўзгарувчан ток ва 110 V дан юқори, лекин 440 V дан паст ўзгармас токда ишловчи юқори хавфли ташқи қурилмалар</p>	<p>Номинал кучланиши 42 V гача бўлган ўзгарувчан токда ва 110 V гача бўлган ўзгармас токда ишлайдиган электр қурилмаларини ноллаш ёки ерга улаш талаб этилмайди, лекин металл конструкцияга ўрнатилган назорат кабеллари, куч кабелларининг металл қобиклари ҳамда портлаш хавфи бўлган хоналардаги электр қурилмалар, пайвандлаш трансформаторининг иккиламчи чулғамалари бундан мустасно.</p>	<p>Номинал кучланиши 42 V гача бўлган ўзгарувчан токда ва 110 V гача бўлган ўзгармас токда ишлайдиган электр қурилмаларини ноллаш ёки ерга улаш талаб этилади, шунингдек, металл конструкцияга ўрнатилган назорат кабеллари, куч кабелларининг металл қобиклари ҳамда портлаш хавфи бўлган хоналардаги электр қурилмалар, пайвандлаш трансформаторининг иккиламчи чулғамалари ҳам ушбу қурилмалар қаторига киради.</p>
201	<p>Пайвандлаш ва бошқа оловли ишларни амалга оширишда ёнғин хавфсизлиги талаблари орасидан нотўғри ёзилганини топинг</p>	<p>Пайвандлаш ва бошқа оловли ишлар қуйидаги жойларда амалга оширилиши мумкин:</p>	<p>Ёнғин хавфсизлиги бўйича масъул шахс оловли ишлар</p>	<p>Оловли ишларни бажарган шахс, оловли ишлар бажарилган жойни кўздан</p>	<p>Оловли ишларни бажариш жойини ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан</p>



		<p>махсус жиҳозланган хоналар ёки очиқ майдонларда ташкил қилинадиган доимий жойларда; ускуналарни таъмирлаш ёки қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш мақсадида бевосита қурилатган ёки фойдаланишда бўлган бино ва иншоотларда, уларнинг майдонида амалга ошириладиган вақтинчалик жойларда.</p>	<p>бажарилган жойни ишлар тугагандан сўнг, 0,5 — 1 соат давомида текшириб турилишини таъминлаши керак.</p>	<p>кечириши, ёнадиган конструкциялар устига сув қуйиши ва ёнгин келиб чиқишига олиб келиши мумкин бўлган омилларнинг олдини олиши лозим.</p>	<p>таъминлаш лозим. Пайвандлаш ишларини бажариш жойига бевосита яқин жойлашган ички ёнгин ўчириш жўмрақларига ёнгин ўчириш энг ва дастаклари уланган бўлиши зарур.</p>
202	<p>Пайвандлаш, бензин ва газ ёрдамида металл кесиш ва кавшарлаш ишларида бажарилиши таъқиқланган ишлар орасидан <u>нотўғри</u> ёзилганини топинг</p> 	<p>Носоз бўлган аппаратурада ишга киришиш мумкин эмас. Янги бўялган конструкциялар ва буюмлар бутунлай қуриб улгурмасидан аввал уларни пайвандлаш, кесиш ёки кавшарлаш ишларини бажариш таъқиқланади.</p>	<p>Оловли ишларни бажаришда ёғ-мой, бензин, керосин ва бошқа ёнувчи суюқликларнинг излари қолган кийим ва қўлқоплардан фойдаланиш лозим.</p>	<p>Пайвандлаш жой-ларида кийим, энгил алангала-надиган ва ёнувчи суюқликларни, тез ёнувчи материалларни сақлаш мумкин эмас. Сиқилган, суолтирилган ва эритилган газлар солинган баллонларга электр симларининг тегиб кетишига йўл қўйиш мумкин эмас.</p>	<p>Ёнувчи ва захарли моддалар билан тўлдирилган, босим остида бўлган ёнмайдиган суюқликлар, газлар, буғ, ҳаво ёки электр кучланишда турган аппарат ва коммуни-кацияларни пайвандлаш, кесиш, кавшарлаш ёки очиқ аланга билан қиздириш таъқиқланади.</p>
203	<p>Кавшарлаш лампаси портлаб кетишининг олдини олиш учун бажарилиши таъқиқланган ишлар орасидан <u>нотўғри</u> берилганини топинг</p> 	<p>Керосинда ишлайдиган лампалар учун ёқилғи сифатида бензин ёки бензин билан керосин аралашмасидан фойдаланиш мумкин эмас. Лампа резервуаридаги босимни паспортида назарда тутилган босимдан ҳаво билан кўпайтириш таъқиқланади.</p>	<p>Лампага унинг ҳажмининг ¼ қисмидан ортиқ микдорда керосин қуйиш таъқиқланади. Насос ёрдамида дам урилатган лампанинг суюқлиги билан горелкани қиздириш мумкин эмас.</p>	<p>Ёниб турган ёки ҳали совушга улгурмаган лампанинг ҳаво вентини ва ёқилғи қуйиш копкағини бураб чиқариш лозим.</p>	<p>Очиқ алангага яқин жойда лампани қисмларга ажратиш, таъмирлаш ҳамда унинг ичидан суюқликни тўкиш ёки ичига қуйиш мумкин эмас.</p>
204	<p>Газпайвандлаш ва газ билан кесиш ишларида бажарилиши таъқиқланган ишлар ҳақида <u>нотўғри</u> ёзилганини топинг</p>	<p>Музлаб қолган ацетилен генераторлари, қувурлар, винтеллар, редукторлар ва пайвандлаш қурилма-</p>	<p>Кислород ва ёнувчи газ солинган баллонлар, ацетилен генераторлари ва оҳаклој</p>	<p>Кальций карбидини ҳўл ҳолатдаги корзиналарга солиш ёки, газ тўплагичда сув мавжуд бўлганда</p>	<p>Кальций карбидини ҳўл ортиш корзиналарига солиш ёки, газ тўплагичда сув мавжуд бўлганда</p>




		<p>ларининг бошқа деталларини очиқ аланга ёки қиздирилган предметлар ёрдамида иситиш ҳамда урганда учқун ҳосил бўлиши мумкин бўлган асбоблардан фойдаланиш лозим.</p> <p>Кислород баллонларни, редукторлар ва бошқа ускуналарни турли мой ва мойланиб кетган кийимлар ва артиш материалларига тегиб кетиши мумкин эмас.</p>	<p>чуқурларидан 10 м дан кам бўлган масофада очиқ алангадан фойдаланиш мумкин.</p> <p>Бир сув затворидан икки пайвандчининг фойда-ланиши, грануляцияси белгилангандан йирикрок бўлган кальций карбидини ортиш ёки уни генераторнинг воронкасига темирли хипчин ёки сим билан итариб солиш, карбид кукунидан фойдаланиш мумкин.</p>	<p>генераторлар «сув-карбид устидан» режимида ишлашда корзина ҳажмининг ярмидан ортигини карбид билан тўлдириш мумкин эмас.</p> <p>Ёнувчи газлар учун мўлжалланган шлангни кислород оқими билан тозалаш, кислород учун мўлжалланган шлангни ёнувчи газ оқими билан тозалаш ҳамда ушбу шлангларни алмаштириб ишлатиш мумкин эмас.</p>	<p>генераторлар «сув-карбид устидан» режимида ишлашда корзина ҳажмининг ярмидан ортигини карбид билан тўлдириш мумкин эмас.</p> <p>Ёнувчи газлар учун мўлжалланган шлангни кислород оқими билан тозалаш, кислород учун мўлжалланган шлангни ёнувчи газ оқими билан тозалаш ҳамда ушбу шлангларни алмаштириб ишлатиш таъқиқланади.</p>
205	<p>Кальций карбиди солинган барабанларни очиш, сақлаш, ишлатиш қоидалари орасидан <u>нотўғри</u> ёзилганини топинг.</p> 	<p>Кальций карбиди солинган барабанларни сақлаш ва очиш жойларида, очиқ алангадан фойдаланиш ва зарбада учқун ҳосил қилиши мумкин бўлган асбоблардан фойдаланиш лозим. Кальций карбиди солинган барабанларни пўлат зубило ва жез болга ёрдамида очиш лозим. Кавшарланган барабанлар махсус пичоқ билан очилади. Барабан қопқоғидаги кесиб очиладиган жойга дастлаб керосиннинг юпқа қатлами суртилади.</p>	<p>Очилган кальций карбидли барабанларни сув ўтказмайдиган ва барабанни зич қоплаб оладиган, четлари букилган қопқоқлар билан ҳимояси таъминланиши ҳамда қопқоқ бортининг баландлиги камида 50 мм га тенг бўлиши лозим.</p> <p>Ацетилен қурилмалари жойлашган хоналарда кальций карбидининг 200 кг дан ортиқ бўлмаган миқдори сақланиши мумкин.</p>	<p>Кальций карбиди қуруқ ва ҳаво алмашиш имконига эга хоналарда сақланиши лозим. Механизацияланган омборларда кальций карбиди солинган барабанларни тик ҳолатда уч қават қилиб, механизацияланмаган омборларда эса — горизонтал ҳолатда кўпи билан уч қават қилиб, тик ҳолатда — кўпи билан икки қават қилиб сақлаш мумкин.</p>	<p>Барабанларнинг қаватлари орасида қалинлиги 40-50 мм га тенг тахталар ётқизирилиши керак.</p> <p>Кальций карбиди барабанлари тахланган штабеллар орасидаги ўтиш жойларининг кенглиги камида 1,5 м га тенг бўлиши зарур.</p> <p>Кальций карбидини сақлаш омборларини ертўла хоналарда ва сув босадиган сатҳи паст жойларда жойлаштириш тақиқланади.</p>
206	<p>Газ солинган баллонларни сақлаш, ташиш, ишлатиш ва газда пайвандлаш ишларини бажариш қоидалари орасидан <u>нотўғри</u> ёзилганини топинг</p>	<p>Газ солинган баллонлар фақат сақловчи қалпоқлар бураб қўйилган ҳолатдагина сақланади ва ташилади. Газбаллонлар ташилаётганда уларни туртиб ёки уриб</p>	<p>Газ солинган баллонларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланишда улар қуёш нурлари ва бошқа иссиқлик манбалари</p>	<p>Газпайвандлаш ишларини бажаришда узунлиги 40 м гача бўлган шланглардан фойдаланиш мумкин.</p> <p>Бир хонада кислород солинган баллонларни ва</p>	<p>Захира баллонлар махсус пўлат шчитлар билан тўсиб қўйилиши ёки пайвандлаш устахонасига қўшимча қурилган махсус ёрдамчи жойларда сақланиши лозим.</p>



		<p>юборишга йўл қўйилмаслиги зарур. Пайвандлаш ишлари олиб бориладиган жойга газбаллонлар махсус аравачаларда, замбил ёки чаналарда олиб келинади. Газбаллонларни елкада ёки қўлда ташиш таъқиқланади.</p>	<p>таъсирида туриши лозим. Хоналарда ўрнатиладиган газбаллонлар иситиш радиаторлари ва бошқа иситиш асбоб-ускунадан камида 0,1 м масофада, очик оловли иссиқлик манбаларидан эса — камида 0,5 м масофада бўлиши лозим.</p>	<p>газ солинган баллонларни ҳамда кальций карбидини, бўёқлар, мойлар ва ёғларни сақлаш таъқиқланади. Пайвандлаш устахонасида 10 тадан кам пайвандлаш постлари бўлганда, ҳар бир пост учун биттадан кислород ёки газ солинган захира баллонларни сақланиши мумкин.</p>	<p>Пайвандлаш устахонасида 10 тадан ортиқ пайвандлаш постлари бўлганда, марказлаштирилган газ таъминоти бўлиши зарур. Кислород ва ёнувчи газлар билан тўлдирилган ҳамда улардан бўшаган баллонларга бир хил хавфсизлик чоралари кўрилиши керак.</p>
207	<p>Электрпайвандлаш ишларида ёнғин хавфсизлиги қодалари орасидан нотўғри ёзилганини топинг</p> <p>Место работы очистить от горючих веществ и материалов</p>	<p>Биноларда электрпайвандлаш ишлари фақат ҳаво алмашиш имконига эга бўлган хоналарда бажарилиши лозим. Ёнғин хавфи эҳтимоли бор хоналарда пайвандлаш ишларини бажариш жойи ёнмайдиган тўсиқ билан химояланган бўлиши ва тўсиқнинг баландлиги камида 2,5 м, тўсиқ ва пол орасидаги масофа эса — кўпи билан 5 см га тенг бўлиши керак.</p>	<p>Электрпайвандлаш ишлари бажариладиган хоналардаги поллар ёнмайдиган материаллардан ясалган бўлиши зарур. Қўлда пайвандлаш қурилмаси рубильник ёки контактор (пайвандлаш токи манбасини тақсимловчи цех тармоғига уланиш учун), сақлагич (бирламчи занжирда) ва пайвандлаш токининг миқдорини кўрсатувчи асбоблар (ток регуляторидаги амперметр ёки шкала) билан таъминланган бўлиши зарур.</p>	<p>Бир постли пайвандлаш двигатель-генераторлари ва трансформаторларини фақат таъминловчи тармоқ томонидан сақлагичлар билан химояланиши лозим эмас. Пайвандлаш токи занжирида сақлагичларни ўрнатиш талаб этилади. Электрпайвандлаш ишларини бажариш учун механик жиҳатдан мустаҳкам механик жиҳатдан мустаҳкам химояланган шлангли кабеллар қўлланилиши лозим эмас.</p>	<p>Пайвандлаш токи манбасини тақсимловчи цех тармоғига улаш учун барча турдаги шнурлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Таъминловчи симлар сифатида, истисно тартибда, уларнинг изоляцияси кучайтирилган ва механик жиҳатдан мустаҳкам химояланган симлар қўлланилиши мумкин. Электродгача токни етказиб бериш учун химояловчи шланг ичига жойлаштирилган ва ўртача иш шароитларига мўлжалланган изоляцияланган эгилувчан симлар қўлланилиши лозим.</p>
208	<p>Электрпайвандлаш ишларида ёнғин хавфсизлиги қодалари орасидан нотўғри ёзилганини топинг</p>	<p>Яхши эгилмайдиган симлар қўлланилган ҳолда уларни эгилувчан шлангли симдан ёки узунлиги камида 3 м га тенг бўлган кабелдан ясалган улагичлар орқали электрод ушлагичга улаш лозим.</p>	<p>Изоляциясиз ёки изоляцияси шикастланган симлардан, қўлбола электр сақлагичлар ва талаб этиладиган миқдордаги пайвандлаш токи</p>	<p>Пайвандлаш аппаратлари, тақсимловчи шчитлар ва бошқа ускуналарга ҳамда пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойга уланган симлар ишончли изоляцияланган ва керакли</p>	<p>Қайтиш сими (тескари сим) сифатида ишлатиладиган алоҳида элементларининг ўзаро уланишлари (болтлар, струбиналар ёки қисқичлар ёрдамида) муваққат ва энгил бажарилиши керак.</p>


		<p>Электр симлари ва пайвандлаш ускуналари бирдан алангаланиб кетишини олдини олиш учун симлар кесimini ток миқдори бўйича, симлар изоляциясини ишчи кучланиш миқдори бўйича ва электр сақлагичларнинг эрувчан киритмаларини тавсия этилган энг юқори номинал ток бўйича тўғри танлаш лозим.</p>	<p>ўтишини таъминлаб бермайдиган симлардан фойдаланиш таъқиқланади. Пайвандлаш симларини пресслаш, пайвандлаш, қалайлаш йўли билан ёки махсус қисқичлар ёрдамида бир-бирига улаш лозим. Электр симлари электрод ушлагичга, пайвандланаётган буюмга ва пайвандлаш аппаратига шайбаларни қўйиб болтлар билан маҳкамланган мисдан ясалган кабель учликлари ёрдамида уланиши лозим.</p>	<p>жойларда юқори ҳарорат таъсиридан, механик шикастланишлардан ва кимёвий таъсирлардан ҳимояланган бўлиши керак. Электрпайвандлаш кабеллари (электр симлари) кислород ўтувчи қувурлардан камида 0,5 м масофада, ацетилен ва бошқа ёнувчи газлар қувурларидан эса камида 1 м масофада ўтган бўлиши лозим.</p>	<p>Қайтиш сими (тескари сим) сифатида ички темир йўллари, ноллаш ёки ерга улаш қурилмалари ҳамда биноларнинг металл конструкциялари, коммуникациялари ва технологик ускуналардан фойдаланиш лозим. Пайвандлаш жараёни икки симдан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин эмас.</p>
209	<p>Электрпайвандлаш ишларида ёнғин хавфсизлиги коидалари орасидан <u>нотўғри</u> ёзилганини топинг.</p> 	<p>Ёнғин хавфи мавжуд бўлган бино ва иншоотларда электрпайвандлаш ишлари олиб борилаётганда пайвандланаётган буюмдан ток манбасигача ўтказилган қайтиш сими изоляцияланмаган бўлиши ҳамда унинг изоляциясининг сифати электрод ушлагичга уланган тўғри сим изоляциясининг сифатидан яхши бўлиши лозим.</p>	<p>Қўлда пайвандлаш учун мўлжалланган электрод ушлагичлар пайвандлашда вақтинчалик узилишлар юзага келганда ёки устига темирли предметлар тушиб кетганда унинг қобиғи пайвандланаётган детал билан қиска туташиб кетишига йўл қўймайдиган конструкцияга эга бўлиши лозим. Электрод ушлагичнинг дастаси ёнмайдиган диэлектрик ёки иссиқлик ўтказмайдиган материалдан ясалган бўлиши зарур.</p>	<p>Пайвандлаш учун қўлланиладиган электродлар пайвандлаш токнинг номинал (белгиланган) миқдорига мувофиқ бўлиши лозим. Пайвандлаш жараёнида электродлар алмаштирилганда уларнинг қолдиқлари пайвандлаш ишлари бажариладиган жойда ўрнатиладиган махсус металл қутисига ташланиши керак. Пайвандлаш қурилмаси ва юргизиш аппаратурасини кўздан кечириш ва тозалаш ишлари камида бир ойда бир марта ўтказилиши зарур.</p>	<p>Очик хавода ўрнатиладиган пайвандлаш генераторлари ва трансформаторлари ҳамда уларнинг барча ёрдамчи асбоб-ускуналари ёпиқ ёки ҳимояланган шаклда ишланган, захни ўтказмайдиган изоляцияга эга бўлиши ҳамда ёнмайдиган материаллардан қурилган навес остида ўрнатилиши лозим. Пайвандлаш агрегати алоҳида қисмларининг (трансформаторлар, подшипниклар, чўткалар, иккиламчи занжир контактлари ва ш.к.) қизиш ҳарорати 75°C дан юқори бўлмаслиги лозим.</p>
210	<p>Ёнувчи суюқликлардан фойдаланиб кесиш ишларини бажаришда ёнғин хавфсизлиги</p>	<p>Бензин ва керосин ёрдамида кесиш ишлари учун иш жойи</p>	<p>Бензин ва керосин ёрдамида кесиш ишлари</p>	<p>Бензин ва керосин ёрдамида кесиш ишларини</p>	<p>Бензин ва керосин ёрдамида кесиш ишларини олиб</p>



